

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 476-ҳадис

476 - [...]

[...]

1. Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бозорнинг олдидан ўтдилар. У зотнинг икки ёнларида одамлар бор эди. Шу пайт у зот қулоғи кесилган ўлик улоқчани кўриб қолдилар. Бориб, унинг қулоғидан тутиб, **«Қай бирингиз мана шуни бир дирҳамга олади?»** дедилар. «Текинга ҳам олмаймиз. Уни нима ҳам қиламиз?» дейишди. **«Бунинг сизники бўлишини истайсизларми?»** дедилар. «Йўқ! Аллоҳга қасамки, агар у тирик бўлганда ҳам айбли бўлар эди, чунки қулоғи кесик экан. Ўлик бўлгач, нима ҳам қилардик?» дейишди. Шунда у зот: **«Аллоҳга қасамки, у сизлар учун қанчалик қадрсиз бўлса, Аллоҳ учун дунё бундан ҳам қадрсизроқдир»**, дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz



